



Нукус шаҳри

Нукус шаҳри

№ 105-б

« 11 » май 20__ й.ж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2721-сонли қарорининг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ишлар Бошқармасининг 2017 йил 2 майдаги 08-10/1-05/13-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 10 майдаги БУ/03-02/891-сонли хатларини инобатга олиб:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги Халқ қабулхоналарининг қўшимча ажратилган хизмат кўрсатувчи ходимларининг ишга олинishi ва озод қилиниши, шунингдек меҳнатига ҳақ тўлашни Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқармасига (М.Джуманиязов) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳисобидан молиялаштирилган Халқ қабулхоналарининг ходимлари ва қўшимча ажратилган хизмат кўрсатувчи ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш учун тегишли маблағларни Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳисобрақамларига кўчириш топширилсин.

3. Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликларига мазкур ходимларга белгиланган тартибда ўз вақтида иш ҳақлари тўланишини ва Халқ қабулхоналарининг жорий харажатларини молиялаштиришни таъминлаш топширилсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Биринчи ўринбосари М.Содиқовқа юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариев